

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ЮРИДИК КАДРЛАРНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР БЎЙИЧА  
ПРОФЕССИОНАЛ ЎҚИТИШ МАРКАЗИ**

**ҲУҚУҚШУНОСЛИК**  
қайта тайёрлаш ва малака ошириш  
йўналиши

**“ҲУҚУҚШУНОСЛИКДА ТИЛ КЎНИКМАЛАРИ  
ИНТЕГРАЦИЯСИ”**  
модули бўйича

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент - 2019**

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш раёсати мажлисининг 2019 йил 18 октябрдаги 5-сонли баёни билан маъқулланган ўқув режа ва дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**Тузувчи:**

Д.Расулмуҳаммедова – ТДЮУ “Тил ўргатиш”  
кафедраси доценти, ф.ф.н.

**Тақризчилар:**

Г.Гулямова – ТДЮУ “Тил ўргатиш”  
кафедраси доценти,  
филология фанлари номзоди

Ш.Зиямуҳамедова – ТДЮУ “Тил ўргатиш”  
кафедраси доценти в.б.

## **МУНДАРИЖА**

I. Ишчи дастур .....	4
II. Модулни үқитишида фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.....	15
III. Назарий материаллар.....	24
IV. Амалий машғулот материаллари.....	37
V. Кейслар банки.....	39
VI. Глоссарий.....	44
VII. Адабиётлар рўйхати.....	49

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### КИРИШ

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармокларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 103-сон, 2017 йил 28 декабрдаги “Педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1026-сон қарориларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни ҳукуқшунослик йўналишидаги олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш, профессор-ўқитувчилар, хусусан, юрист-педагогларнинг юридик тил кўникмалари интеграцияси, яъни бутун тизим сифатида шакллантириш, ёзма саводхонлигини ошириш, юриспруденция тармоқларига оид хужжатлар тилини лингвистик ва мантиқ талаблари асосида таҳлил қилиш асосида оғзаки ва ёзма нутқларини такомиллаштириш, ўзбек адабий тилининг меъёр, қоидаларидан моҳирона фойдалана олиш қобилиятини янада шакллантириш ва ривожлантириш, педагогнинг касбий компетентлиги таркибий асосларидан бири ҳисобланган тил ва нутқ жиҳатларидан онгли фойдаланиш, юридик тил услубларини

пухта ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Мазкур дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали юридик таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий фаолиятда оғзаки ва ёзма мулоқотини таъминлашнинг замонавий услуб ва усулларини ўрганиш, айниқса, юридик терминларнинг ўзига хос хусусиятларини пухта ўзлаштириш, юридик нутқ маданиятининг лингвистик ва экстравингвистик жиҳатларини тушуниш, юридик тил кўникмалари интеграциясини таъминлаш орқали юрист-педагогларнинг касбий фаолиятда ёзма нутқ билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

“Хуқуқшунослика тил кўникмалари интеграцияси” модули педагогларнинг ижодий фикрлаб, саводли ёзиш, яъни фикр маҳсулини ёзма нутқ шаклларида тўғри, равон ифодалаш кўникмаларини яхлит тизим – интеграция асосида шакллантириш учун хизмат қиласди.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

Юрист мутахассислар, айниқса, педагогларнинг оғзаки ва ёзма нутқ шакллари, юридик тилнинг лексик бирликлари талабарини пухта ўзлаштириш, фикр-мулоҳазаларини ёзма тарзда асослай олиш, ўзбек адабий тилининг лексик-грамматик, имловий меъёр, пунктуация қоидаларидан моҳирона фойдалана олиш, юридик тил лексикасининг ўзига хос хусусиятлари, фаолиятга оид иш қоғозларини тўғри юритишда ёзма юридик нутқдан тўғри фойдаланиш маҳорати, қобилиятини янада шакллантириш ва ривожлантириш бўйича кўникма ва малакаларини интеграция – яхлит тизим асосида таркиб топтириш, шунингдек профессионал юридик нутқда тил бирликларидан ўринли фойдаланиш, юридик терминология талабарини пухта ўргатиш, матнларни мантиқий-мазмуний тузга олиш салоҳиятини ривожлантириш, юридик лексиканинг қўлланиш соҳаларини аниқлай олиш компетенциясини такомиллаштириш фаннинг мақсади ва вазифалари хисобланади.

## **Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Хуқуқшуносликда тил кўникмалари интеграцияси” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

### **Тингловчи:**

- юридик тилнинг меъёр ва талаблари, тамойиллари;
- тилнинг юрист касбий фаолиятидаги ўрни, имловий меъёрлар, орфографиянинг асосий қоидалари;
- ёзма нутқда тил воситаларини танлаш ва қўллаш имкониятининг мавжудлиги;
- расмий услубда юридик матн тузиш, бу услубнинг ўзига хослиги;
- юридик матннинг аниқлиги ва қолиплашганлиги, юридик матннинг мантикий-мазмуний бўлиниши, унинг аниқ қабул қилинишида пунктуациянинг роли, тиниш белгиларининг услубий вазифаси;
- юридик тил лексикасининг ўзига хос хусусиятлари;
- оғзаки ва ёзма юридик нутқда асосий лексик қатlam ҳисобланган термин қўллаш меъёрларига амал қилиш талабларини яхлит тизим сифатида билиши керак.

### **Тингловчи:**

- ёзма нутқнинг равон, аниқ ва изчил бўлиш талаблари асосида матн тузса олиш;
- юридик тилнинг имловий меъёрлари, коммуникатив тавсифи, функционал услубларидан ўринли фойдалана олиш;
- фикрни оғзаки ва ёзма таҳлил қила олишда тил бирликларини ўринли қўллаш;
- дефис ва тирени фарқлай олиш ва матнда тўғри қўллаш;
- юридик тилнинг лугавий ва терминологик меъёрларини ёзма нутқда тўғри қўллай олиш каби **кўникмаларга** эга бўлиши лозим.

### **Тингловчи:**

- оғзаки мулоқот, шунингдек матн тузишда лингвистик омилларга оғишмай амал қилиш;
- назорат ишларини талаб даражасида саводли ишлаб чиқиши, айниқса, фанларга оид казус ва мантикий саволларни адабий тил талаблари асосида тузиш;
- фикрни оғзаки ва ёзма баён этишда илмий манбалардан ўринли фойдалана олиш;

- юридик матн мазмунини ёритишда оғзаки ва ёзма нутқ услубарини түгри танлай олиш **малакалариға** эга бўлиши зарур.

### **Тингловчи:**

- ўқув жараёнини ёзма нутқ талаблари асосида янги билимларни мустақил эгаллаш ва қўллашни таъминлайдиган ўқитишнинг замонавий шакл ва методлари, педагогик, ахборот-коммуникациявий, инновацион технологиялар асосида ташкил этиш;
- хуқуқни қўллаш амалиётига саводли тузилган илмий ишланмалар натижаларини самарали жорий этиш;
- пунктуация ва интонация, уларни оғзаки ва ёзма нутқда ифодалай олиш;
- тил қоидалари асосида қонунчилик техникасини шакллантириш, нутқдаги фикрий боғланиш, изчиллик, мантиқийликка амал қилиш **компетенцияларини** эгаллаши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Хуқуқшуносликда тил кўникмалари интеграцияси” ўқув курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади. Ўқитиш жараёнода:

- замонавий ахборот технологиялари ёрдамида интерфаол маърузаларни ташкил этиш;
- виртуал амалий машғулотларни ўтказишдатехник воситалар, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, график органайзерлар ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Машғулотлар тингловчиларнинг таҳлилий фикрлаш, ўз фикр ва хуносаларини асослаш ва ҳимоя қилиш, энг асосийси, уларни оғзаки ва ёзма шаклда тўғри баён қилишга йўналтирилган.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Хуқуқшуносликда тил кўникмалари интеграцияси” модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги барча юридик фанлар, шунингдек “Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик”, “Хорижий тил” каби ўқув модуллари билан ҳам узвий боғланган ҳолда педагогларнинг ёзма нутқ бўйича қасбий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласи.

## **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар турли юридик вазиятларда профессионал тил ва нутқ меъёрларидан фойдаланиш, фикрни баён этишда юридик тил турларидан ўринли фойдалана олишга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	<b>Модул мавзулари</b>	<b>Тингловчининг ўқув юкламаси, соат</b>		
		<b>Жами</b>	<b>Аудитория ўқув юкламаси</b>	
			<b>Назарий</b>	<b>Амалий</b>
<b>1.</b>	Хукуқшуносликда тил кўнималари интеграцияси тамойиллари. Умумхукукий тезаурас – юридик тил лексикаси тизими таркибий қисми боғлиқлиги интеграциясини таъминловчи омил	2	2	
<b>2.</b>	Юридик тил лексикаси ва унинг таснифи. Юридик тилнинг ўзига хослиги. Орфография ва орфоэпиянинг узвийлик қоидалари	2	2	
<b>3.</b>	Юридик тилда функционал услублар ва пунктуацион меъёрлар интеграцияси. Дефис ва тире	2		2
<b>4.</b>	Юридик тилда расмий ёзишма турлари, тузилиши, компонентлари	2		2
<b>5.</b>	Юридик матнларда термин қўллаш талаблари	2		2
<b>Жами</b>		<b>10</b>	<b>4</b>	<b>6</b>

### **БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

Мазкур модул юзасидан тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари назорати белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **НАЗАРИЙ МАШғУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-мавзу. Ҳуқуқшунослика тил кўникмалари интеграцияси тамойиллари. Умумхуқуқий тезаурас – юридик тил лексикаси тизими таркибий қисми боғлиқлиги интеграциясини таъминловчи омил**

Юридик тилнинг барча таркибий қисмлари, элементлари ва тизимлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик. Юридик тил интеграцияси – лингвистик таълим мазмуни, моҳияти, шакл ва усулларини ишлаб чиқишида етакчи. Тил таълимидағи интеграция – шахсиятни ривожлантириш, оғзаки ва ёзма нутқни ривожлантириш ва шакллантиришга йўналтирилган тил таълими тизимидаги контент таркибий қисмлари ўртасидаги алоқаларни ўрнатиши. Тезаурас – пухта шаклланган соҳа лугати сифатида. Юриспруденцияда умумхуқуқий тезаурас масаласи. Юридик терминлар – қонун тили лексикаси. Юридик тилда лексикография муаммолари.

**2-мавзу. Юридик тил лексикаси ва унинг таснифи. Юридик тилнинг ўзига хослиги. Орфография ва орфоэпиянинг узвийлик қоидалари**

Юридик матнда лексика қўллаш меъёрлари. Юридик тил лексикасининг ўзига хослиги. Юридик лексикани гурухлаш масаласи. Умумистеъмолдаги сўзлар юридик тил лексиканинг асосий қисми.

Юридик тил ва нутқнинг икки – оғзаки ва ёзма шакли қоидалари амалий машғулотлар ёрдамида ўзлаштирилади. Мулоқот шакли ҳисобланган ёзма нутқ (расм, рамз – белги, фонографик ёзув ҳарф)қа оид матнлар таҳлил қилинади. Юриспруденцияда ёзма нутқ амалиёти – тил воситаларини ўринли танлаш ва қўллаш омили эканлиги юридик матнлар таҳлилида тушунилади. Ёзма юридик нутқнинг барқарор ва қатъийлиги ёзма машқлар асосида мустаҳкамланади. Юриспруденцияда орфография (юнонча orthos – “тўғри”, graipo – “ёзаман”) – тўғри ёзиш меъёрлари сингдирилади. Орфография асосий принциплари, графика ва орфография қоидалари ўзлаштирилади.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**3-мавзу. Юридик тилда функционал услублар ва пунктуацион меъёрлар интеграцияси. Дефис ва тире**

Юридик тилда функционал услуб ва пунктуацион меъёрларнинг ўзаро боғлиқлигини тушуниш. Функционал услубларни номлаш уларнинг қандай алоқа, мулоқот доирасида қўлланилганлигига қараб белгиланишини соҳага оид машқлар билан тушуниши. Юридик тилда расмий (маъмурий-хуқуқий) услуб; илмий услуб; бадиий услуб; сўзлашув услуби; публицистик

услубларнинг талаб ва шартлари юзасидан машқлар бажариш. Ҳар бир услубнинг ўзига хос лисоний хусусиятларини ёзма нутқ ёрдамида асослаш. Расмий услугуб ва унинг юристнинг ёзма фаолиятидаги ўрнини муайян матнларда ёритиш.

Юридик тилда тиниш белгиларининг аҳамияти ва адабий тил меъёрларини мисоллар билан тушунтириш. Пунктуация меъёрлари, матннинг мантиқий-мазмуний бўлиниши, аниқ қабул қилинишида тиниш белгиларининг аҳамиятини машқлар асосида сингдириш. Тиниш белгилари ва орфографик белги орасидаги фарқни соҳага оид матнларда ёритиш. Дефис ва тиренинг ўзига хос хусусиятларини муайян ёзма топшириклар ёрдамида ўзлаштириш.

#### **4-мавзу. Юридик тилда расмий ёзишма турлари, тузилиши, компонентлари**

Юридик тилда расмий услубнинг қўлланиш доираси. Юридик хужжатлардаги мураккаб гап қурилишлари. Расмий услубнинг юрист фаолиятидаги ўрни. Юридик тилда қолип тушунчаси.

#### **5-мавзу. Юридик матнларда термин қўллаш талаблари**

Чегараланган қатlam ва маҳсус лексика. Юридик терминлар мезони – аниқлик. Юридик терминларни гуруҳлаш масаласи. Соф юридик терминлар ва терминологиядаги муаммолар.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

“Хуқуқшунослика тил кўникмалари интеграцияси” модули машғулотлари таълимнинг интерактив услубида, якка ва гурухда ишлаш шаклида ўтказилиб, тингловчиларни ўқув материалини асосан ёзма тарзда ўзлаштиришлари орқали амалга оширилади.

Ўқитиши жараёнида тингловчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштирувчи қуйидаги ўқитиши шаклларидан фойдаланилади:

маъруза, мини маъруза ва амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

баҳс-мунозара, дебат, давра сұхбатлари (муаммо ечимлари бўйича таклиф ва мулоҳазалар бериш қобилиятини ошириш, тушуниш, мушоҳада қилиш, мантиқий хulosалар чиқариш);

дидактик вазиятлар яратиш, ҳамкорликда тренинг, мастер-класслар ўтказиш;

ўқитиши методларидан “Кластер”, “Бумеранг”, “Елпифич”, “Резюме”, “Балиқ скелети, “Пинборд” кабилардан фойдаланиш;

замонавий воситалар ва мультимедиали қурилмалар, презентация, тарқатма материаллар каби дидактик воситалардан фойдаланиш.

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

## **Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
2. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимиға киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016.
3. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъruzаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
6. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2017 йил, 23 декабрь.

## **Норматив-хуқуқий хужжатлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1989. 26-28-сон, 453-модда.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Лотин ёзувиға асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 331-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 6-сон, 119-модда)
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 4732-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ – 2909-сон қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 апрелдаги “Тошкент давлат юридик университетида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ – 2932-сон қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ – 3151-сон қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-куватлаш тўғрисида”ги 5106-сон Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июнданги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ – 3775-сон қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 декабрдаги “Педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1026-сон қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги низомга ўзgartириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 103-сонли қарори.

13. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 1997., 9-сон, 225-модда.

14. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997., 11-12-сон, 295-модда.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4732-сон Фармони. //Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й., 24-сон, 312-модда.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сон қарори. //Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й., 33-сон, 442-модда, 52-сон, 646-модда.

### **Махсус адабиётлар:**

1. Сайдова А., Кўчимов Ш. Қонунчилик техникаси асослари. Т.: Адолат, 2001.– 271 б.
2. Махмудов Н., Рафиев А., Йўлдошев И. Давлат тилида иш юритиш. Т.: Фан, 2002.– 196 б.
3. Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси. Т.: 2003.
4. Воинова М. Г. Культура речи юриста. Т.: 2003.
5. Назарав К.Н., Усмонов С.Б., Тоҳиров Қ.Ҳ. Юристнинг нутқ маданияти. –Т.: ТДЮИ кичик босмахонаси, 2003. – 215 б.
6. Усмонов С.Б. Юристнинг нутқ маданияти. –Т.: ТДЮИ, 2006. – 225 б.
7. Мирхамидов М., Норпўлатов Н., Хасанов С. Юристнинг нутқ маданияти. Т.: Fan va texnologiya, 2005. – 314 б.
8. Расулов Р., Хусанов Н., Мўйдинов Қ. Нутқ маҳорати. Т.: 2006. – 138 б.
9. Usmonov S.B. Yuristning nutq madaniyati. – Т.: Sharq, 2007.–197 б.
10. Бекмирзаев Н. Юрист нутқи маданияти. Т.: Mumtoz soz, 2011.– 155.
11. Махмудов Н., Нурмонова, “Она тили”. Т.: Ўқитувчи, 2012.
12. Умурзоқов Б.У. Ҳозирги ўзбек тили. – ТерДУ, 2012.
13. Тил ва маънавият. Республика илмий-методик конференция материаллари. Т.:RELEABLEPRINT, 2013. – 268 б.
14. Бахриддина Б. Тиниш белгилари – ёзма нутқ моҳиятини англаш воситаси. Т.: Маърифат. 2014. 3-б.
15. Бахриддина Б. Ўзбек тилининг пунктуация қоидалари. Т.: Тил ва адабиёт таълими. 2015. 1-сон, 23-25- б.
16. Steve Taylore – Knowles. Reading and Writing. Malcolm Mann, 2011.–278 б.
17. Stephen Bailey. “Academic Writing: A Handbook for International Students” Fourth Edition. 2015. – 284 б.

### **Электрон таълим ресурслари:**

1. [www.google.uz](http://www.google.uz)
2. <http://www.gov.uz>
3. <http://www.uza.uz>
4. <http://www.lex.uz>
5. <http://www.press service.uz>
6. <http://www.ut.uz>
7. <http://www.ziyonet.uz>

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

## “Вен диаграммаси” методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишиган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

### Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини танишитирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшлилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишиган қисмига ёзадилар.



Бунда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашилади, айrim қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳияти ўзлаштирилади, яъни синтезланади.

Тингловчилар 4 гурухга бўлинадилар ва ҳар бир гурухга 3 тадан мавзу берилади. Намуна: мавзу: **Юридик тил лексикаси ва лексикография**.

1-гурухга: лексика, қонун тили лексикаси, атама ва термин

2-гурухга: нутқ услублари, расмий услуб, илмий услуб

3-гурухга: лексикография, лугат, юридик лугат, изоҳли лугат ва қомус

4-гурухга: таржима, унификация, тезаурус

Топшириклар, албатта, жадвалга туширилади:



30

### “Меню” методи

Бу метод асосида тегишли вазифа бажарилади. Вазифалар фан талабларидан келиб чиқиб, ёзма бажарилиши мумкин. Бунда ҳар бир тингловчи фаолияти баҳоланади.


Масалан, мавзу: “Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқлари”:

- а) Конституциявий ҳуқуқлар
- б) Маъмурий ҳуқуқлар
- в) Фуқаролик ҳуқуқлари
- г) Мехнат ҳуқуқлари

Гурух аъзолари (tinglovchilar) меню ёрдамида танланган тегишли мавзу юзасидан топшириқ бажарадилар.

**“Нима учун”, “Балиқ скелети”, “Қандай” методлари.** Бу методлар график органайзерлар ҳисобланади. Бунда муайян муаммонинг сабаблари,

унинг ҳолати ва ечими мантиқий фикрлар асосида ҳал қилинади.



## “Балиқ скелети” чизмаси

### “Балиқ скелети” чизмаси

Бир катор муаммоларни тасвирлаш ва уни ечиш имконини беради.

Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил килиш кўникмаларини ривожлантиради

Чизмани тузиш коидаси билан танишадилар. Алоҳида/кичик гурӯхларда юкори “сугагида” кичик муаммони ифодалайди, пастда эса, ушбу кичик муаммолар маъжудлигини тасдиқловчи далиллар ёзилади

Кичик гурӯхларга бирлашадилар, тақкослайдилар, ўзларининг чизмларини тўлдирадилар. Умумий чизмага келтирадилар.

Иш натижаларининг тақдимоти

## «Балиқ скелети» схемаси - Уларни тасдиқловчи муаммочаларни аниқлаш ва тасдиқлаш (лавҳа)

Айрим матнларнинг тушунарсизиги (сабаблари)

Матнда мантиқ илмиининг йўклиги

Адабий тип нормаларига риоя этмаслик

Мантиксиз нутк-бемаъниларидир(Форобий)

Филологларни жалб килиш

## “Қандай?” диаграммаси

### Кийидан юкорига боскичма-боскич бўйсунувчи “Қандай?” диаграммаси

Муаммом тўғрисида умумий тасаввурларни олиш имконини берувчи, мантзий саволлар занжари.

Тизимли фикрлаш, тузишмага келтириш, таддил килиш кўнижмаларини ривожлантиради.

Кичик гурӯҳларга бирлашадилар, таққослайдилар, ўзларининг чизмларини тўлдирадилар. Умумий чизмага келтирадилар


Диаграммани тузиш коидаси билан танишадилар. Алоҳида/кичик гурӯҳларда диаграммани тузадилар

Иш натижаларининг тақдимоти

43

## «Қандай?» иерархик диаграммаси – Муаммони ечишнинг усул ва воситалари (лавҳа)

Айрим матнларнинг тушунарсизлиги  
(сабаблари)




44

## **“ФСМУ” методи**

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий холосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, холосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### **Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний холоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

## **Намуна**

**Фикр: “Юриспруденцияда тил кўникмалари интеграцияси – юридик тил пухталиги”**

**Топширик:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

Ф	• Ёзма юридик нутқ алоҳида нутқ ёки тил эмас.
С	• Бу нутқ қатъий ўзбек адабий тил нормаларига риоя қиласди. Чунки...
М	• Қонун тили давлатнинг расмий тилидир...
Ү	• Ёзма юридик нутқ алоҳида нутқ эмас, демак у ўзбек адабий тилининг ёзма шаклларидан бири ҳисобланади.

**“Мунозара” методи.** Таълим тизимида тизимларда нутқ ўқитиш, ўз фикрини мустақил ва асосли баён қилиб, хулосалар чиқариш воситаси сифатида ғоя муҳим ўрин эгаллади. Бу бажариладиган ишнинг бир тури бўлиб, ўзаро тортишиш жараёнини келтириб чиқаради ва унга аниқлик киритади. Тингловчилар томонидан “ўз сўзи” ўзига хос услуг асосида изчил, савол фикр юритилади.

Мунозара вактида талабалар ўзларига ишонган ҳолда саволларни мунозара қилишади. Мунозара учун шундай шароит яратиши керакки, унда талабалар ўз фикрларини ишонч билан очик айтиш, камчиликлари учун айбга қўймасликларига ишонган ҳолда баён этишлари лозим.

**Масалан:** Суд процессида адвокатнинг ёзма нутқи тил услугбларининг барча туридан фойдалана оладими?




Мунозара усулидан қўйидаги мақсадлар учун фойдаланиш мумкин:

- янги билимларни шакллантириш
- фикр баёнда ёзма нутқ кўникмаларини ривожлантириш
- мавзу юзасидан фикр алмасиш асосида етарли билимга эга бўлиш

**“Пинборд” методи.** Пинборд инглизчадан: pin- мустаҳкамлаш, board- доска маъносини билдиради. Бу усулда мунозара ёки сұхбат амалий усул билан боғланиб кетади. Метод мақсади ривожлантирувчи ва тарбияловчи вазифасини бажариш. Бунда тингловчиларда мулоқот юритиш ва мунозара олиб бориши маданияти шаклланади, үз фикрини нафақат оғзаки, балки ёзма равища баён этиши маҳорати, мушоҳада қилиш ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади.

**Намуна:**

**“Оғзаки ва ёзма юридик тил интеграцияси” тушунчасига пинборд тузинг.**



**“Инсерт” методи. Методнинг мақсади:** мазкур метод янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади. Метод хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди. Инсерт методининг шиори – фаоллик.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

- машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрланади;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- тингловчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, үз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчилар ёки қатнашчиларга қўйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

“V” – янги ахборотга эга бўлдим;

“\_” – матн билганларимни тасдиқлайди;

“+” – ахборот билганларимга зид;

“?” – ҳайронман, ўйланиб қолдим.

Қўйидаги жадвал инсертга мисол бўла олади: Мавзу:

**Юридик терминларни унификациялаш – умумхуқуқий тезаурус түзиш.**  
**Тезаурус – пухта шаклланган юридик луғат**

“V”	“+”	“_”	“?”
“Ха” Үқиганимдан аниқ билган ёки биламан деган маълумот мавжуд	“Мусбат” Үқиганимдан мен учун янги маълумотга эга бўлдим	“Манфий” Үқиган ва билганимдан карама-карши маълумот мавжуд	“Савол” Үқиган ва билганимдан мен учун тушунарли бўлмаган ёки шу ҳақда қўпроқ маълумот билиш истагининг мавжудлиги

**“Хулосалаш” (Резюме, Veer) методи.** Бу метод мураккаб, кўптармоқлимавзуларни ўрганишга қаратилиб, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

**Масалан:**

Юридик луғатлардаги муаммолар					
Унификация		таржима		Терминларни ўз ҳолича қабул қилиш	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
<b>Хулоса:</b>					

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

**1-мавзу:** Ҳуқуқшуносликда тил кўникмалари интеграцияси тамойиллари. Умумхуқуқий тезаурас – юридик тил лексикаси тизими таркибий қисми боғлиқлиги интеграциясини таъминловчи омил

#### **Режа:**

1. “Ҳуқуқшуносликда тил кўникмалари интеграцияси” модулининг мақсад ва вазифалари. Нутқ маданияти тушунчаси.
2. Ҳуқуқшуносликда ёзма ва оғзаки нутқ интеграцияси.
3. Ҳуқуқшуносликда умумхуқуқий тезаурас масаласи.

**Таянч иборалар:** нутқ маданияти, интеграция, ёзма нутқ, тилнинг юридик тил, юридик тил шакли, лугат, унификация, тезаурас.

Жамият тараққиёти билан баб-баравар аҳоли сони, бинобарин, уларнинг тилга бўлган эҳтиёжи ҳам ўсиб бораверади. Бу эҳтиёжларни қондириш зарурияти эса ўз навбатида тилнинг ижтимоий ҳодиса сифатида табиатни, унда содир бўлаётган ҳодисалар моҳиятини, инсоннинг ушбу ҳодиса ва жараёнлардаги ўрни ва вазифасини ўрганишни тақозо қиласи, нутқ жараёнидаги истеъмолда бўлиш хусусиятларини кузатиш заруриягини келтириб чиқаради. Агар мана шу айтилганларни бошқачароқ тарзда изоҳлаш мумкин бўлса, тил ва нутқ меъёрини ўрганиш, таҳлил қилиш асосий муддаога айланиб қолади. Нутқ маданияти инсон умуммаданиятининг бир қисми бўлиб, фикрни адабий тил меъёрларига мувофиқ тўғри, эркин, аниқ, мантиқан изчил, ёқимли ва таъсирли баён қилишdir.

Нутқ маданияти дейилганда тил бирликларидан, жумладан, лугавий, грамматик ва услубий воситалардан нутқ жараёнида тўғри ва ўринли фойдаланиш назарда тутилади. Нутқ маданияти кишидан тил бойлигини – лугавий бирликлар, грамматика, орфоэпия, орфография, нутқ услублари ва уларнинг ҳар бирига хос хусусиятлар ҳамда меъёрларни юқори даражада билишни талаб этади. Бундан ташқари, нутқ маданияти кишининг шахсий маданий савияси билан ҳам боғлиқдир, деб алоҳида уқтиради олим С.Усмонов ўзининг “Юристнинг нутқ маданияти” дарслигига. Худди шундай, юридик нутқ ҳам мулоқот, фикр баён қилиш, тил воситаларидан фойдаланиш жараёни натижасида юзага келадиган фаолиятдир.

Юрист ўз фикрини оғзаки ва ёзма равишда ифодалашдан аввал нутқ предметини, объектини аниқлайди, юридик ишниadolatli ҳал қилишда зарур ва керакли маълумотларга таянади. Айниқса, юрист-педагогнинг

хуқуқий фикрлаш доираси, билими, кўникмалари, касбий тайёргарлиги катта аҳамият касб этади.

Шу боис, замон талаби асосида юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш маркази ўқув режасидан “Юриспруденцияда тил кўникмалари интеграцияси” модули жой олди.

Юрист-педагогларнинг оғзаки ва ёзма нутқ шакллари, юридик тилнинг лексик бирликлари талабларини пухта ўзлаштириш, фикр-мулоҳазаларини ёзма тарзда асослай олиш, ўзбек адабий тилининг лексик-грамматик, имловий меъёр, пунктуация қоидаларидан моҳирона фойдалана олиш, юридик тил лексикасининг ўзига хос хусусиятлари, фаолиятга оид иш қоғозларини тўғри юритишида ёзма юридик нутқдан тўғри фойдаланиш маҳорати, қобилиятини янада шакллантириш ва ривожлантириш бўйича кўникма ва малакаларини интеграция – яхлит тизим асосида таркиб топтириш мазкур модулнинг асосий мақсадидир.

“Хуқуқшуносликда тил кўникмалари интеграцияси” модули профессионал юридик нутқда тил бирликларидан ўринли фойдаланиш, юридик терминология талабларини пухта ўргатиш, матнларни мантиқий-мазмуний тузга олиш салоҳиятини ривожлантириш, юридик лексиканинг кўлланиш соҳаларини аниқлай олиш компетенциясини такомиллаштириш каби вазифаларни кўзлади.

Дарҳақиқат, юрист-педаголар ўз фикрини оғзаки ва ёзма равища юқори даражада ифодалай оладиган бўлиши зарур. Шу боис уларнинг фаолиятини ёзма ва оғзаки нутқ маданиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, педагогларнинг ёзма нутқ шаклларини пухта ўзлаштириш, фикр-мулоҳазаларини ёзма тарзда мантиқан асослай олиш, имловий меъёр, пунктуация қоидаларидан моҳирона фойдалана олиш қобилиятини янада шакллантириш ва ривожлантириш бўйича кўникма ва малакаларини таркиб топтириш ўта муҳим вазифадир.

Хуқуқшуносликда тил кўникмалари интеграцияси асосан ёзма (ёзиш) ва оғзаки нутқ амалиёти (tinglash ва gapiriш)ни ўз ичига олади. Шунинг учун мазкур модуль тил ўрганишнинг икки кўникмаси: тўғри ёзиш ва тўғри сўзлаш кўникмаларини интеграллашган ҳолда ривожлантиришга хизмат қиласи. Шунингдек, модулни ўқитишда ёзма нутқ амалиётига алоҳида ургу берилади. Шунингдек, ушбу модул мавжуд тил кўникмаларини мустаҳкамлайди, фикрни тўғри ёзиш ва оғзаки баён этиш маҳоратини ўзаро бир-бирига узвий боғлаган ҳолда амалда қўллаш ва ривожлантириш имконини беради.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда таълим-тарбия жараёнида фаолият юритаётган юристнинг ҳам адабий тил, хусусан, ёзма нутқ меъёрларини пухта билиши, уларга оғишмай амал қилиши давр талабига айланган.

Маълумки, ёзма нутқ адабий тилнинг асосий шакли ҳисобланади. Оғзаки адабий тил учун меъёр-талаффуз бўлса, ёзма адабий тил учун хос бўлган меъёр-орфография ва пунктуация (тиниш белгилар)дир. Ёзма нутқ мадниятини эгаллаш, тўғри ёзишга интилиш, фикр маҳсулини матнга тўлақонли талаб даражасида тушира олиш маҳорати барча касб эгаларининг, шунингдек, юрист-педагогларнинг ҳам зарурий вазифаси бўлмоғи лозим. Чунки ҳозирги кунда ёзма нутқ маданияти муаммоси долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Нутқ маданияти инсон умуммаданиятининг бир қисми бўлиб, фикрни адабий тил меъёрларига мувофиқ тўғри, эркин, аник, мантиқан изчил, ёқимли ва таъсирли баён қилишдир. Нутқ маданияти дейилганда тил бирликларидан, жумладан, лугавий, грамматик ва услубий воситалардан нутқ жараёнида тўғри ва ўринли фойдаланиш назарда тутилади. Нутқ маданияти кишидан тил бойлигини – лугавий бирликлар, грамматика, орфоэпия, орфография, нутқ услублари ва уларнинг ҳар бирига хос хусусиятлар ҳамда меъёрларни юқори даражада билишни талаб этади. Бундан ташқари, нутқ маданияти кишининг шахсий маданий савияси билан ҳам боғлиқдир.

Шуни таъкидлаш керакки, тил мустақиллигисиз мустақил давлатни тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боисдан тилимиз жозибаси, тилимизнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни, аҳамияти, нутқ маданияти, нутқ нафосати тўғрисида билим ва кўнікмаларга эга бўлишнинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Нутқ маданиятининг яна бир жиҳати шуки, фикрни оғзаки ёки ёзма шаклда ифодалашда, албатта, мантиқий изчиликка риоя қилиш муҳимдир. Лугавий-грамматик, услубий меъёрлар адабий тилнинг ҳамма кўринишлари учун хос бўлса, имло ва тиниш белгиларига оид меъёрлар адабий тилнинг фақат ёзма шакли учун, тўғри талаффуз меъёрлари эса оғзаки шакли учун хос бўлади.

Тўғри, аник, ифодали ва ёқимли сўзлаш учун тил бойликларидан мазмунга мос сўзни танлай олиш қобилиятини такомиллаштириш зарур. Бунинг учун сўзни ўринсиз тақрорламаслик, сўз шаклини, гап турини тўғри қўллаш, ҳар бир услубнинг ўзига хос белги ва мезонларини онгли идрок қилиш мақсадга мувофиқдир. Нутқ маданияти сўзловчининг шахсий маданий савияси мезони бўлганлиги учун кишидан катта меҳнат талаб этилади. Бунинг учун нутқда ҳалқ мақолларидан, иборалардан унумли ва ўринли фойдалана олиш; ҳадис, ҳикматли сўзлардан нутқ жараёнида иқтибослар келтира олиш ва уларнинг моҳиятини таҳлил қила олиш маҳоратини такомиллаштириш лозим. Юрист-педагоглар эса юқорида қайд этилган кўрсатмаларга тўла амал қилишлари билан бирга юридик тилнинг барча меъёрлари ва мезонларини зарур даражада ўзлаштиришлари мақсадга мувофиқдир.

Тил ва нутқ бир-биридан фарқ қиласидан, лекин ўзаро алоқадор икки ижтимоий, руҳий-маънавий ҳодисадир. Яъни тил алоқа қуроли, фикр баён қилиш воситаси бўлса, нутқ сўзловчининг тил воситаларидан фойдаланиш жараёни ва шундай жараён натижасида юзага келадиган фаолиятдир. Тил фақатгина алоқа воситаси бўлиб қолмасдан, балки дунёни кўриш, эшиши, билиш, идрок этиш воситаси ҳамдир. Баъзан нутқ жараёнида тилнинг жозибаси, жилоланиши, мўъжизакорлиги юзага чиқмай қолиши мумкин. Шу боис нутқ сохиби сўзларнинг ўз ва кўчма маъноларини тўла англаши, ҳар бир сўзнинг услубий мезонларини, маъно қирраларини онгли идрок этиши талаб этилади.



Луғатларнинг асосий вазифаси ахборот банки бўлишидир. Лексикани идеографик нуқтаи назардан ўрганишнинг асосий мақсади – бу сўзнинг турли маъноларини бус-бутун, яхлитлигича ўрганиш ва уларни ўз ўрнида қўллашни ўргатишдир. Сўзларни бутун мазмун-моҳияти ва системаси билан кўз олдимишга келтирувчи идеографик луғатлар маълум бир тил имкониятларидан бемалол ва осон фойдаланиш имкониятини берадики, бу унинг зарурий ва замонавий луғатлардан бири эканлигига далолат. Бу типдаги луғатлар хусусида “Билимларнинг маълум бир соҳаси ҳақида калит сўзлар мисолида системалаштирилган билимлар силсиласи тезауруслар тузишда қўл келади. Бу луғатнинг энг муҳим хусусияти у бир фикрнинг

барча қирраларини очиб берувчи сўз ва ибораларнинг бой йифиндисини ёритиб беради. Аслида умумистеъмол сўзларнинг тавсифида лексемаларнинг лисоний маънолари илмий таърифлар асосида эмас, балки ижтимоий тушунчалар асосида, шунингдек, ижтимоий шартланган схемалар мажмуи сифатида қаралиши керак. Шунингдек, бундай луғатлар ўзининг сўз (тушунча)ларнинг вазифадошлари, маънодошлари, антонимлари, градуонимлари, умуман, парадигматик ва синтагматик алоқалари акс эттирилиши билан ҳам характерланиши лозим. Бундан ташқари, лексемалар хусусий синтагматик қуршовларда хусусий маъноларга эга бўлиши мумкин ва бу маънолар ҳам идеографик луғатда ўз ифодасини топиши зарур.

Ҳозирги юридик тилнинг долзарб муаммоларидан бири юриспруденцияда ҳуқуқий тезарус яратиш масаласидир. Бу борада қатор олимлар эътиборга молик муносабатлар билдирган. Жумладан, И.Х. Исломовнинг “Ўзбек тилида рельефонимлар: тизими, структураси ва маъновий муносабатлари”, Ё.Н.Хамраеванинг “Ўзбек тилининг идеографик луғатини тузиш тамойиллари” деб номланган илмий тадқиқотларида, шунингдек, академик Азим Ҳожиев томонидан тузилган “Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати” да қайд этилган илмий холосалар соҳа тезаурусини яратища муносиб аҳамиятга эга.

Тезаурус нима? Академик А.Ҳожиевнинг “Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати”да тезаурусга шундай изоҳ берилган: ТЕЗАУРУС (юн. thesauros – хазина) - тилга оид лексик таркибни тўла ҳажмда акс эттирувчи луғат. «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси»да: тезаурус терминига қўйидагича таъриф берилади: «ТЕЗАУРУС (юн. thesauros – хазина, бойлик) – 1. Муайян тилдаги барча сўзларни қамраб оладиган, уларнинг матнда қўлланиш ҳолатларини тўла-тўқис акс эттирадиган луғат. 2. Бирон бир илм-фан соҳасига оид луғавий бирлик (сўз)лар мавзу тартибида жойлаштирилган ва ана шу бирликлар ўртасидаги семантик (жинс-тур, синонимик ва бошқ.) муносабатлар акс эттирилган луғат. Бунда сўзлар алифбо тартибида эмас, балки бир мавзу, бир тушунчага алоқадор сўзларнинг барчаси бир жода берилади; керакли сўз тушунчага қараб қидирилади». Олимларнинг фикрига кўра, тезаурус муайян тил лексикасининг мантикий тартибга солинган макети.

- **ТЕЗАУРУС** – таянч сўз ва терминлар ҳақида мукаммал маълумот беради.
- **ТЕЗАУРУС** – муайян соҳага оид бўлган матнда қўлланилиши лозим бўлган сўз (термин)ларнинг тўлиқ изоҳини беради.
- **ТЕЗАУРУС** – ўз лексикасининг тўлиқ маълумотини берувчи соҳа луғати.



- **ТЕЗАУРУС** – 1. Соҳага оид терминлар изоҳини талқин қиласди.

- 2. Муайян илм-фанга оид тушунчаларнинг тизимлаштирилган мажмуаси.
- 3. Қайси термин қайси соҳага оидлигини асослайди.

Демак, пухта шаклланган, барча учун қулай бўлган соҳа луғатини тузиш – давр талабидир.

### **Назорат саволлари:**

1. Юридик ёзма нутқда тил бирликларидан тўғри ва ўринли фойдаланиш нимани назарда тутади?
2. Ҳуқуқшуносликда тил кўнилмалари интеграцияси тамойиллари. Нималардан иборат?
3. Юридик тил шакл жиҳатидан қандай кўринишларга эга?
4. Юридик тилнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапиринг.
5. Умумхуқуқий тезаураси масаласи юриспруденцияда қандай ҳал этилиши лозим?

**2-мавзу: Юридик тил лексикаси ва унинг таснифи. Юридик тилнинг ўзига хослиги. Орфография ва орфоэпиянинг узвийлик қоидалари**

### **Режа:**

1. Юридик тилнинг тавсифи.
2. Юридик тилнинг ўзига хослиги.
3. Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари.
4. Асос ва қўшимчалар имлоси. Бўғин кўчириш. Ажратиб ёзиш.

**Таянч иборалар:** юридик тил, қонун тили, қисқалик, аниқлик, расмий услугуб, оғзаки ва ёзма нутқ, орфография ва орфоэпия, имло қоидалари.

Юридик тил ўз моҳиятига кўра бир неча турларга, яъни қонун тили, илмий юриспруденция тили, суд тили, ҳуқуқшунос-педагог тили, ҳуқуқшунос-публицист тили, прокурор тили, адвокат тили каби гурухларга бўлинади. Юридик тилнинг бирламчи белгиси унинг расмий бўёққа эгалигидир. Қатъийлик, мантиқийлик, қисқалик, аниқлик каби хусусиятлар юридик тилнинг нуфузини белгиловчи меъёрлардир.

Юридик тилда ўзлашмаган хорижий сўзлар ва терминлар кўланилишига йўл қўйиб бўлмайди. Ўзлашган терминлар бундан мустаснодир. Ўзбек тилида муқобили бўла туриб хорижий терминларни кўллаш ҳам ўзини оқламайди. Юридик тилда шевага оид сўзлар, жаргонлар, ўзлашмаган сўзлар, ўта образли ибораларни кўллашга йўл қўйилмайди. Демак, аниқлик, қисқалик, расмий буёқдорлик, холислик, мантиқий изчиллик, барқарорлик юридик тилнинг асосий хусусиятлариdir.

Қонун тилининг энг муҳим меъёрларидан бири *аниқлик* бўлиб, тушунчанинг моҳияти қонун моддаларида тўлақонли ифодаланиши ва мамлакатнинг ҳар бир фуқароси кимлигидан, қайси касб эгаси бўлишидан, маълумотидан қатъи назар тезда англаб етиши зарур.

Қонунлар тузилиши содда, аниқ, равон ва ҳаммабоп бўлиши шарт. Аниқликка эришиш учун қонун ижодкорлари адабий тил меъёрларига амал қилмоқлари лозим. Бунинг учун, аввало, гапда сўзларнинг одатдаги тартибига риоя қилиниши талаб этилади, яъни қонун тилида инверсия (гапда сўзлар тартибининг ўзгартирилиши)га йўл қўйилиши аниқликка путур етказади. Ўзлаштирилиши қийин бўлган сўзлар ва терминларни қўлламаслик ҳам аниқликни таъминлайди.

*Қисқалик* қонун тилининг асосий белгиларидан биридир. Имкон қадар қонун моддалари таркиби сиқиқ, содда ва муфассал бўлиши зарур. Қисқа жумлаларда кенг маъно-мазмунни ифодалаш ҳам қонун матнининг тез англаб олинишини таъмин этади. Албатта, бунда эллипсисга йўл қўйилмайди, яъни гап бўлаклари туширилмайди. Чунки қонун моддалари таркибидаги гап бўлакларининг туширилиши қонуннинг моҳиятига салбий таъсир этади. Қонун моддалари таркибida ҳар қандай мазмунни иложи борича содда гаплар орқали ифодалашга, қўшма гап турлари (мураккаб қўшма гап, аралаша қўшма гап)ни мумкин қадар ишлатмасликка ҳаракат қилиш зарур, чунки қонун ижодкорлари қўшма гап қонуниятини ҳар доим ҳам чуқур билавермайди, натижада услубий хатолар юзага келади. Услубий хатолар қонунлар моҳиятини тушуниб олишни қийинлаштиради.

Қонун тилининг яна бир ўзига хос белгиларидан бири *шахсизлик*dir. Яъни қонун моддаларининг кесими мажхул нисбатдаги феъллар билан ифодаланади. Феълнинг мажхул нисбатида объект маълум бўлса-да, субъект номаълум бўлади. Масалан, Ҳамма судларда ишлар очиқ қўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда қўриб чиқишга фақат қонунда белгиланган ҳолларда йўл қўйилади (Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни, 55-бет).

Келтирилган мисоллар таркибига *мен, сен, у; биз, сиз, улар* каби кишилик олмошларидан бирини кўллаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам қонунлар шахс (*мен, сен, у; биз, сиз, улар*) сиз бўлади, чунки ҳар бир қонун

жамият ва давлат номидан ифодаланади. Яъни ҳар бир қонун замирида ҳалқнинг хоҳиш-истаги ўз ифодасини топган бўлади.

Қонунлар адабий тилнинг *расмий услубида* тайёрланади. Шунинг учун қонунлар таркибидаги тил воситалари – луғавий бирликлар, терминлар, феъл нисбатлари, феъл майлларининг расмий бўёқдорлиги ҳар бир моддага *расмийлик* белгисини беради. Масалан, *Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар* (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 47-модда) Бу мисолдаги *фуқаролар* сўзи ўрнига унинг синонимлари (одам, инсон, шахс, киши)дан бирини ёки *бурч* сўзи ўрнига унинг синонимлари (вазифа, топшириқ)дан бирини қўлласак *расмийлик* белгиси сусаяди. Расмийлик бўлмас экан, қонуннинг кучи ҳам йўқолади. Шу боис қонун ижодкорлари расмий услубнинг лисоний хусусиятларини зарур даражада ўзлаштиришлари талаб этилади.

Расмий услуг меъёрлари асосида тайёрланган қонунларда қатъийлик ўз инъикосини топган бўлади. Шу боис қонунларни маълум бир мамлакатда яшовчи барча фуқаролар иккilanmasdan, муҳокама қилmasdan бажаришлари шарт бўлган давлат хужжатидир. Қонунлар фақат қабул қилингунга қадар муҳокама қилиниши мумкин, лекин қонуний кучга киргандан кейин бажарилиши шарт бўлган давлат амридир.

Қонунлар тили *холислик* белгисига ҳам эга бўлиши зарур. Қонун олдида ҳамма тенгdir деган қоиданинг ўзи қонуннинг холислигини таъминлайди. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг бутун худудида ягона фуқаролик ўрнатилади (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 21-модда). Бу модда ўз моҳиятидан ташқари ҳеч кимга ҳеч қандай қўшимча имтиёз берилмайди деган тушунчани англатади. Шунинг ўзи ҳам холисликни белгилайди.

*Мантиқий изчиллик* ҳам қонун тилининг асосий белгиларидан биридир. Яъни шакл билан мазмун мантиқан мувофиқ бўлиши зарур. Адабий тил меъёрларига риоя қилинмаган, грамматик жиҳатдан нотўғри тузилган қонунлар мантиқий изчил бўлмайди. Қонунчилигимизда баъзи бир қонун моддалари таҳrir талабдир. Масалан, Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи қўидаги ҳолларда айбсиз деб топилади ва реабилитация этилиши лозим...(ЖПК, 83-модда). Мазкур модда таркибидаги *топилади ва реабилитация этилиши лозим* ифодалари уюшиқ бўлаклардир. Шундай экан, бу ифодалар бир хил шаклда, яъни қўидагича берилиши керак: Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи қўидаги ҳолларда айбсиз деб *топилиши ва реабилитация этилиши лозим*...

Қонун тилининг яна бир белгиси унинг *барқарорлигидир*. Қонунларнинг қатъийлиги унинг барқарорлигини, турғунлигини белгилайди,

шунинг учун қонун моддаларини ҳар ким ўзича ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Юридик тил талаблари нафақат қонунларга, балки бошқа барча меъёрий ҳужжатларга ҳам тааллуқлидир. Ҳуқуқ манбаларининг асосий турларидан бири ҳуқуқий-меъёрий актлар бўлиб, бундай қонун ҳужжатлари ҳам бир неча қўринишларга эга бўлади. Фармонлар, қарорлар, фармойишлар, буйруқлар, йўриқномалар, низомлар; маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг қарорлари ва ҳоказо. Бу расмий ҳужжатлар ҳам ўзига хос лексик-грамматик, услубий ўзига хосликларга эга бўлиб, бундай ҳужжатларнинг тил қурилиши ҳам адабий тилнинг талабларига асосланади.

Шу сабабдан ҳам юридик олий ўқув юртлари талабаларининг касбий тайёргарлик даражаси нафақат ихтисослик билан боғлиқ фанларни, балки юридик тилни ҳам давлат тили асосида юқори даражада ўзлаштиришни талаб этади. Юридик тил ҳам оғзаки ва ёзма қўринишларга эга бўлади. Бироқ нутқнинг бу икки қўриниши бир-биридан баъзи жиҳатлари билан фарқланади. Оғзаки нутқ сўзловчи гапириб турган лаҳзадагина мавжуд бўлади, сўзлаш жараёни тугаши билан оғзаки нутқ ҳам тугайди. Лекин нутқ таъсирида берилган маълумот, ахборот, ҳукм тингловчи онгига узоқ вақтгача сақланади.

Оғзаки юридик нутқ хусусиятлари, асосан, қуидагилардан иборат:

1. Оғзаки юридик нутқ коммуникатив жараён билан бевосита боғлиқ бўлади. Оғзаки нутқ тезкорлик билан амалга ошади, шунинг учун ҳар қандай юрист ифодалаётган фикрига мос сўзни, гапни танлай олиш қобилиятини шакллантириб бориши мақсадлидир.

2. Оғзаки нутқда гап қурилишини ақл назорат қилиб боради. Бунда хотиранинг роли катта. Агар хотира суст бўлса, оғзаки нутқда гап тузилиши, сўз бирикмалари ўзаро мантиқан ва грамматик жиҳатдан боғланмай қолади.

3. Оғзаки юридик нутқ, асосан, таҳрир имкониятидан маҳрум бўлади. У қандай шаклда намоён бўлган бўлса, шундайлигича тингловчига этиб боради.

4. Оғзаки юридик нутқда такрорлар, қайтариқлар қўп учрайди.

5. Оғзаки юридик нутқнинг луғавий таркиби ёзма нутққа нисбатан кам бўлади. Олмошлар, юкламалар, модал сўзлар, бош ва тушум келишигидаги отлар кўпроқ ишлатилади.

6. Оғзаки юридик нутқда сўзловчининг фаол нутқий ҳаракати пауза (тўхтам), оҳанг, ургу, унлиларнинг чўзиб талаффуз этилиши; турли хил жест (имо-ишора)лар, мимика (киёфанинг ўзгариши)лар фикрнинг тингловчига этиб боришида муҳим аҳамият касб этади.

7. Оғзаки нутқда талаффузнинг аҳамияти катта. Гапга усталикни талаффуз равонлигидан айрича тасаввур этиб бўлмайди.

Оғзаки нутқни шакллантириш ва такомиллаштириш кўпроқ ёзма нутқнинг такомилига боғлиқ.

Ёзма юридик нутқ олдига, асосан, қуидаги талаблар қўйилади:

1. Ҳар бир сўз ёхуд термин, ҳар бир гап, жумла юридик мазмунни тўлиқ ифодалашга ва муаллиф мақсадини очишга хизмат этиши шарт.

2. Ёзма юридик нутқ имкон қадар содда ва аниқ, изчил ва мантиқли ифодаланиши лозим.

3. Ёзма нутқда ўз ифодасини топаётган фикр — юристнинг тафаккур маҳсуллари далилланган, исботланган, қонун доирасида ўз ечимини топган бўлиши зарур.

4. Ёзма юридик нутқда фикрлар расмий услуг доирасида содда ва равон, тушунилиши енгил баён этилиши керак.

5. Тушунилиши қийин бўлган юридик терминлардан иложи борича фойдаланмаслик, агар матнда фақат юристлар ёки мутахассислар учун тушунарли бўлган терминлар қўлланилса, бундай юридик терминларга изоҳлар ва шарҳлар бериб борилиши мақсадлидир.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ёзма нутқ ижтимоий-сиёсий вазият, маданий-маънавий турмуш талаб этаётган зарурый ҳаётий ҳодисадир. Қолаверса, миллий ҳуқуқшунослик мактабини яратиш, ҳуқуқ маданиятини тарғиб қилиш ва ёшлар онгига сингдириш, уларни миллий мафкура гоялари билан қуроллантириш, ҳуқуқий демократик жамият қуриш бевосита бўлғуси юрист-кадрларнинг ёзма нутқ саводхонлигига боғлиқ бўлиши табиийдир. Шундай экан, нутқ юристнинг тафаккур юритиш, фикр баён қилиш қуролидир. «Ҳуқуқшуносликда тил кўникмалари интеграцияси» модулининг таълимда тутган ўрни юқори. Чунки фан юрист-педагогларнинг фаолият жараёнида давлат тили ҳамда ёзма нутқ мезонларидан максимал фойдалана олиш шартини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгандан сўнг ўзбек тилининг товушлар тизими, оҳангдорлиги ва жилосини тўла ифодалай оладиган ёзувга - алифбога ўтиш зарурияти туғилди. 1993 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилди. Бу алифбо 31 ҳарф ва 1 тутук белгисидан иборат эди. Янги алифбодаги баъзи ҳарфлар жаҳон алоқа-аралашув (коммуникация) тизимида киришимизда маълум қийинчиликлар туғдириши мумкинлиги ҳисобга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1995 йил 6 майда “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Ўонунга ўзgartiriшлар киритиш ҳақида қарор қабул қилди. Ўарорга биноан, лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбоси 26 ҳарф ва 3 ҳарфлар бирикмасидан иборат

этиб белгиланди. Янги алифбо асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 августдаги 339-сонли қарорига илова тарзида “Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари” тасдиқланиб, унда ҳарфлар билан товушлар мутаносиблиги, асос ва қўшимчалар имлоси, қўшиб ёзиш, чизиқча билан ёзиш, ажратиб ёзиш, бош ҳарфлар имлоси, кўчириш қоидалари ўз ифодасини топган.

Бу имло қоидалари 1956 йил 4 апрелдаги “Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари”дан тубдан фарқ қиласди. Жумладан, товуш-ҳарф муносабатига бағищланган қисм қайта ёзилган, морфологик тамойилга асосланиш нисбатан ортган: -гин, -гина қўшимчалари уч хил ёзилиши қоидалаштирилган; жуфт сўз қисмлари орасида -у (-ю) боғловчиси келса, ундан олдин чизиқча қўйиладиган бўлган; тартиб сон араб рақамлари билан ёзилса, -нчи қўшимчаси ўрнига чизиқча (-) қўйилиши йил ва ойларни кўрсатувчи араб рақамларига ҳам татбиқ этилган ва бошқалар. Иккинчи қисми турдош от бўлган географик номлар (Ўоратоғ), сифат ва атоқли отлардан тузилган географик номлар (Шимолий Кавказ) ёзилиши каби айрим қоидалар анча ихчамлашган. Парво, обрў, мавқе, мавзу, авзо сўзларига эгалик қўшимчалари қўшилишидаги ҳолат алоҳида изоҳланган; мен, сен олмошларига -ни, нинг, -ники қўшимчалари қўшилганда қўшимчадаги н товуши айтилмаслиги ва ёзилмаслиги аниқ қилиб тушунтирилган ва ҳоказолар.

“Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари” қуйидаги бўлимлардан ташкил топган:

- ҳарфлар имлоси (унлилар ва ундошлар);
- асос ва қўшимчалар имлоси;
- қўшиб ёзиш;
- чизиқча билан ёзиш;
- ажратиб ёзиш;
- бош ҳарфлар имлоси;
- кўчириш қоидалари.

“Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси” 26 ҳарф, 3 та ҳарфий бирикма ва тутук белгисидан иборат.

### **Асос ва қўшимчалар имлоси**

Сўз ясовчи -ла, -а      Онг+-ла=англа, сон+-а=сана а>о га ўзгаради  
-қ, -уқ      а) қийна+-қ=қийноқ, юмша+-қ=юмшоқ;    б) буюр+-  
уқ=буйруқ а) а>о га ўзгаради; б) у тушади  
-в      Мақта+-в=мақтов, сайла+-в=сайлов      а>о га ўзгаради

-ки (-ки) а) шарт (а)+-ки=шартаки; б) сайра+-ки=сайроқи а) а  
 ортади; б) а>о га ўзгаради  
 -ай Паст+-ай=пасай, суст+-ай=сусай т тушади  
 Шакл ясовчи -(и)м, -(и)нг, -и, -(и)миз, -(и)нгиз әгалик қўшимчалари  
     а) бурун+-и=бурни, ўрин+-инг=ўрнинг, сингил+-имиз=синглими; з  
     б) билак+-и=билаги, солиқ+-инг=солиғинг; д) парво+-им=парвойим, мавқе+-  
     инг=мавқейинг а) и ва у тушади; б) к>г га, қ>ғ га ўзгаради; д) й ортади  
     -ов, -овлон, -ала Олти+-ов=олтов, икки+-ала=иккала, етти+-  
     овлон=еттовлон и тушади  
     -ни, -нинг, -ники Мен+-ни=мени, сен+-нинг=сенинг, мен+-  
     ники=меники н тушади  
     -га, -да, -дан У+-га=унга, бу+-да=бунда -н ортади

## **Бўғин қўчириш қоидалари**

- Сўз бошидаги бир ҳарфдан иборат бўғин ёлғиз ўзи олдинги сатрда қолдирилмайди. А-бадий эмас, аба-дий, э-шиқдан эмас, эшик-дан.
- Сўз охиридаги бир ҳарфдан иборат бўғин ёлғиз ўзи кейинги сатрда қўчирилмайди. Мудофа-а эмас, мудо-фаа, матба-а эмас, мат-баа
- Тутук белгиси олдинги бўғинда қолдирилади. Ваъ-да, маърифат, машъ-ал, инъ-ом.
- Бир товушни қўрсатувчи ҳарфлар бирикмаси (ш, ч, нг) биргаликда қўчириллади. Пе-шона, май-шат, пи-чоқ, си-нгил, де-нгиз.
- Бош ҳарфдан ёки бўғинга teng қисм ва бошқа ҳарфлардан иборат қисқартма, шунингдек, кўп хонали рақам сатрдан сатрга бўлиб қўчирилмайди. АЎШ, БМТ, ЎзЛиДеп, 16, 245, 1994, XIX.
- Ҳарфдан иборат шартли белги ўзи тегишли ракамдан ажратиб қўчирилмайди. 5-“А” синф, 110-гурух, 15 га, 10 т., 25 см, 90 мм.
- Атоқли от таркибиға кирадиган рақамлар атоқли отдан ажратилган ҳолда кейинги сатрга қўчирилмайди. “Ниҳол-2012”, Ташаббус-98”, “Боинг-767”.
- Исл ва ота исмининг биринчи ҳарфига teng қисқартмалар фамилиядан ва тахаллус сўzlари эса бир-биридан ажратиб қўчирилмайди. Ш.М.Мирзиёев, Г.Сайдова, Алишер Навоий, Рауф Парфи.
- Ҳарфий қисқартмалар олдинги сўздан ажратиб қўчирилмайди ва б. (ва бошқалар), ш.к. (шу кабилар).
- Асосан ўзлашма сўзларда икки ундош қатор келса, улар кейинги сатрга биргаликда қўчириллади, учта бўлса, биринчи ундош олдинги сатрда қолдирилади. Диа-грамма, моно-графия, силин-дрик.

## **Ажратиб ёзиш**

Кўйидаги тузилишдаги қўшма сўзлар ажратиб ёзилади:

- Биринчи қисми сифат, иккинчиси атоқли от бўлган географик номлар:  
Ўрта Осиё, Юқори Чирчиқ, Шарқий Европа;
- Қўшма феълнинг қисмлари ажратиб ёзилади: бориб келмоқ, айтиб бермоқ, деган эди;
- Қўшма равишлар ажратиб ёзилади: ҳар қачон, ҳеч ким, ҳамма вақт;
- Ўзаро -дан қўшимчаси билан боғланган такрор сўзли бирикмалар:  
йилдан йилга, янгидан янги, камдан кам каби.

## **Назорат саволлари:**

1. Юридик тил шакл жиҳатидан қандай кўринишларга эга?
2. Юридик тилнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапиринг.
3. Юриспруденцияда орфография ва орфоэпиянинг узвийлик қоидалари нималардан иборат?
4. Юридик тилда орфоэпия қандай принципларга асосланади?

## **IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

**1-амалий машғулот: Юридик тилда функционал услублар ва пунктуацион меъёрлар интеграцияси. Дефис ва тире**

***1-Машқ. Күйидаги ғапларнинг тинии белгиларини ўрнига қўйиб қўчиринг.***

1.Унинг Холбек деган дўсти чеккасида данақдай холи бор бола бир кун Авазни боплади. 2. Сойда ёнғоқ тагида болалар тўпландилар. 3. Ўишлоқдан бир қир нарида беҳисоб қизғалдоқлар далани қизартириб турган жойда Ўулкар ўт ўарди. 4. Ўадемай баҳор ҳам тугайди, ёзниг иссиқ кунлари бошланди. 5. Хушмуомалалик барчанинг кўнглини кўтаради вақтини хуш димоғини чоғ қиласди. 6. Ширинсуханликда каромат катта у мўжизалар яратиш қудратига эга. 7. Ойи ойи чақиринглар ойимни. 8. Ахир дўкон тарихида бунаقا бўлмаган.

***2-машқ. Күйидаги қўйима ғапларга тинии белгиларини қўйиб чиқинг.***

1.Хозирги вақтда анчайин бир тракторнинг ғилдираги томорқада занг босиб ёца ҳам одамнинг ғаши келади. 2. Ёз ёпинчиғингни қўйма қиши ўзинг биласан. 3. Айтилган сўз отилган ўқ. 4. Кимки бўлса дилозор ундан элу юрт безор. 5. Орадан йиллар ўтди фолклор ансамбллари кўпайди. 6. Шамолда қўзғалган ўрикнинг қизғиши барглари чанг-тўзонда сузиб юрарди. 7. Навоий фақат буюк шоир эмас у айни вақтда билимдон олим ҳам бўлган. 8. Хушмуомалалик барчанинг кўнглини кўтаради вақтини хуш димоғини чоғ қиласди.

***3-машқ. Күйидаги қўчирма ғаплардаги тинии белгиларини қўйиб чиқинг.***

1.О болам деди кампир жияним ишга ярамайди. 2. Вой Хайринисо опа келин қилдингизми деди Тожихон. 3. Кампир ерга қаради ва секин Абдумажид келди деди. 4. Ана холос деди Ортиқжон тўлмас экан-да. 5. Ўадяхон Имтиҳонларни топшириб бўлдим деди. 5. Хўш шундан кейин нима бўлди деди Асқар ота (А.Ў.). 6. Узоқ жимлиқдан сўнг Розия мен кетаман деди (П.Ў.). 7. Ўани тез бўл дарсга кеч қоласан дедилар ойим. 8. Зап келибсан-да ошна деди Абдукарим ўзгармабсан (С.А.).

**2-амалий машғулот. Юридик тилда расмий ёзишма турлари, тузилиши, компонентлари**

*Мазкур матнинг тиниши белгиларини ўз ўрнига қўйиб чиқинг.*

### **Шекспир дунёси**

Илм мўминнинг йўқотган нарсасидир уни қаерда топсангиз, олиб эгалик қилинг дейилади Ҳадиси Шарифда Илмларнинг энг буюги адабиёт Бошқа илмлар дарё бўлса у денгиз бошқа илмлар денгиз бўлса у уммон Негаки у инсоншунослик фани Инсон фаолиятининг барча қирраларига доир ҳикматлар унда жамулжам Шекспир асарлари бунга мисол Уларда йўқ мавзунинг ўзи йўқ тарих фалсафа сиёsat иқтисод ахлоқ руҳшунослик мантиқ ҳуқуқ ва ҳоказолар Бу асарлар бутун инсониятнинг шу жумладан бизнинг ҳам бебаҳо бойлигимиз Фарзандларимиз уларни ҳамиша ўқиб ўрганишлари керак Бадиий тафаккур бўлмиш ҳақиқий адабиёт ҳеч қачон қаримайди эскирмайди У худди бугун қофозга туширилгандек яркираб жаранглаб тураверади Бизнинг ўғил-қизларимиз қайси касбни эгаллашларидан қатъи назар адабиёт ўқишлари бир қадар адабиётчи бўлишлари шарт Дарвоқе Шекспир ижоди буюк университет юксак инсонийлик маърифатидан сабоқ берадиган илмгоҳ теран маънавият дунёси Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримов Юксак маънавият енгилмас куч асарида алоҳида таъкидлаганидек Инсонни унинг маънавий оламини кашф этадиган яна бир қудратли восита борки у ҳам бўлса сўз санъати бадиий адабиётдир Адабиётнинг инсоншунослик деб шоир ва ёзувчиларнинг эса инсон руҳининг муҳандислари деб таърифланиши бежиз эмас албатта Буюк инглиз шоири ва драматурги Вилям Шекспир ана шундай инсон руҳининг муҳандиси ҳақиқат ваadolat кўйчиси Унинг ижоди чинакам инсоншунослик сабоқларидир.

**3-амалий машғулот. Юридик матнларда термин қўллаш талаблари**

### ***Топширик***


Истиқлол даври бадиий адабиёти саҳифаларини варақлар эканмиз, ҳозирги давр бадиий адабиёти тили, бадиий нутқ насрий асарларда ҳам, назмий асарларда ҳам янги руҳ билан бойигани, янги-янги образлар билан бирга, янгича нутқий воситалар ила бойиганини кўрамиз. Бу сўзларнинг танланишида ҳам, янгича гап шаклларида ҳам, фикрлар ҳамда хистуйғуларнинг давр руҳи билан ҳамоҳанг, ҳамнафас бўлишга интилишида ҳам

кўринади. Бадий адабиётдаги тиниш белгиларининг ролини мисоллар орқали тушунтиришга ҳаракат қилинг.

### *Топширик*

Оғзаки сўзлашув нутқининг ёзма нутқда ифодаланиши тиниш белгиларига боғлиқлигини яхши биламиз. Оғзаки нутқнинг аниқ ифодаланиши ва тингловчи ёки ўқувчига тўғри етиб бориши учун тиниш белгиларидан қай даражада унумли фойдаланиш тўғри деб ўйлайсиз?

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ



**1-Кейс.** Оғзаки нутқни шакллантириш ва такомиллаштириш күпроқ ёзма нутқнинг такомилига боғлиқ. Ёзма нутқ юқори даражада бўлмас экан, оғзаки нутқ қўнгилдагидек бўлмайди. Чунки ёзма нутқда тил воситалари ўринли танланади ва оғзаки баён қилинади.

**Топшириқ:** касбий ёзма нутқ маданияти ва унга амал қилиш борасидаги фикр-мулоҳазаларингизни баён этинг. Ушбу фикрни юридик тил қоидалари асосида давом эттиринг.

**2-Кейс.** Хуқуқ ва нутқ, хусусан, ёзма ва оғзаки нутқ кўниумаси интеграцияси юридик таълимда муҳим йўналиш бўлиб, бу соҳада ҳал этилмаган ва баҳсли масалалар жуда кўп. Лекин шуниси шубҳасизки, барча турдаги юридик фаолият учун тилни бенуқсон билиш шартдир”, деган фикр мавжуд.

**Топшириқ:** мазкур фикрга муносабат билдиринг.

Муаммо тури	Келиб чиқиш сабаблари	Ҳал этиш йўллари

**3-Кейс.** Ҳозирги юридик тилнинг долзарб муаммоларидан бири юриспруденцияда ҳуқуқий тезарус яратиш масаласидир. Тезаурус - тилга оид лексик таркибни тўла ҳажмда акс эттирувчи луғат. У муайян тилдаги барча сўзларни қамраб оладиган, уларнинг матнда қўлланиш ҳолатларини тўла-тўқис акс эттирадиган луғат.

**Топшириқ:** Сизнингча, юриспруденцияда шундай луғат яратилганми?

**4-Кейс.** Ёзма нутқ маданиятини эгаллаш, ёзув қоидаларига оғишмай риоя қилиш, тил маданиятини эгаллашга интилиш, фикр маҳсулини матнга тўлақонли тушира олиш маҳорати барча касб эгаларининг, шунингдек, юрист-педагогларнинг ҳам зарурий иши бўлмоғи лозим. Бундан ташқари, ҳозирги кунда ҳар томонлама саводли кадр тайёрлаш масаласини кун тартибига ҳаётнинг ўзи қўймоқдаки, кишилик жамиятининг маданий-маърифийлигини бусиз тасаввур қилиш қийин.

**Топшириқ:** Ёзма нутқ маданияти, тўғри ёзиш эҳтиёжиҳаётй талабга айланиши шартми? Эркин фикрларингиз асосида матн тайёрланг.

**5-Кейс.** Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари хурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади.

**Топшириқ:** Матн мазмунини кенгайтириб ёзинг.

**6-Кейс.** Терговчи нотаниш шахс томонидан ёзилган анонимёзувни олади. Бунда “БЛИСС” ҲКнинг бош бухгалтери кўплаб нотўғри иш қилгани ёзилган. У ишида ишхонада пулларни ўзиники қилиб олган ва нарсаларни ўғирлаган экан. Терговчи иш бошлайди, аниқлайди, топширади.

**Топшириқ:** Ушбу маълумотни ёзма нутқ талаблари асосида мантиқан тўғри баён (ёзма) қилинг.

**7-Кейс.** Ёзув маданиятини пухта эгаллаш – мураккаб фаолият. Ёзма нутқнинг муваффақияти матннинг қанчалик тўғри, аниқ ва тушунарли бўлишига боғлиқ. Шу билан бирга ёзма нутқ қанчалик ёқимли ва ифодали бўлса, у ўқувчи шунчалик қучли таъсир этади. Бунда изчилликка ва адабий тилнинг ёзув меъёрларига риоя қилиш асосий талаблардан ҳисобланади.

**Топшириқ:** Ёзма юридик тил қандай лисоний меъёрларга амал қиласди? Ўз мулоҳазаларингиз ёзма баён қилинг.

**8-Кейс.** Одамийликнинг мухим фазилатларидан бири хушмуомалалик, мулойимликдир. Бу фазилатлар бевосита тилга, сўзга бўлган муносабатда намоён бўлади. Зоро, тилнинг қўрки, ақл-заковатнинг зийнати сўздир. Сўз муқаддас, у фақат эзгулик, яхшилик учун хизмат қилиши лозим. Юонон файласуфларининг таъкидлашларича, тил ҳар бир ақл соҳиби фазилати хазинасининг қалитидир ва ҳар кишининг билими, одоби унинг сўзларидан яққол билиниб туради.

**Топшириқ:** Сизнингча, сўз – буюк ва қудратли воситами? Мулоҳазаларингиз асосида матн тайёрланг.

**9-Кейс.** Таниқли юристларнинг ҳеч бири ёзма нутқини такомиллаштирмасдан юқори мартабага эришмаганлар. Ёзма юридик нутқ оғзаки юридик нутқнинг ривожига бевосита таъсир этади. Оғзаки юридик нутқ, асосан, ёзма юридик нутқ асосида ривожланади.

**Топшириқ:** Ушбу фикрни ўз мулоҳазаларингиз асосида давом эттиринг.

**10-Кейс.** Таниқли адаб Абдулла Қаҳхорнинг “Нутқ” фелетонида шундай дейилади: “Ҳозирги вақтда тилимизнинг бойлигини, унинг қочириқларини ўрганишга эришган, сўз санъатига ҳунар деб эмас, касб деб қарайдиган, бисотидаги бир ҳовуч сўзни йиллар давомида айлантириб, кун кўриб юрган бир туркум қалам аҳлининг “фаолияти” натижасида ажиб бир тил бунёдга келган. Бу тилнинг ҳеч қаерда ёзилмаган, лекин амалда жорий бўлган темир қонунига кўра “яхши овқат едим”, деб бўлмайди, албатта. “Сифатли овқатландим”, деб ёзиш шарт! “Папирос чекадиган киши гугуртини олиб юриши керак”, дейилса, тўғри бўлади. Бу тил ҳар қанақа жонли фикрга кафан кийгизади, ҳар қанақа ўйноқи мазмунни тахтага тортади, ҳар қанақа нотиқни ғурбатнинг уясига, ҳар қанақа аудиторияни ўлик чиққан ҳовлига айлантиради!”

**Топшириқ:** Адаб ушбу муносабати билан нима демоқчи? Ўз мулоҳазаларингиз асосида матн мазмунини кенгайтириб ёзинг.

**11-Кейс.** Янги имло қоидаларини қунт ва сабот билан ўрганиш, унга амал қилиш фақат она тили ва адабиёт ўқитувчилари, тингловчи-ю ўқувчиларнингнина иши бўлиб қолмасдан, барча ўқитувчи ва мураббийларнинг, матбуот ходимларининг, нашр-матбаа бўйича масъулларининг, бир сўз билан айтганда, барча-барча зиёлиларнинг кундалик ва доимий иши бўлмоғи лозим.

**Топшириқ:** Ўз мулоҳазаларингиз асосида матн мазмунини кенгайтириб ёзинг.

**12-Кейс.** Ҳазрат Форобий фанлар мазмунини мантиқ ташкил этишини алоҳида таъкидлайди. Жумладан, мантиқ илми ва грамматика ўртасидаги боғлиқлик ҳақида: “Мантиқнинг ақлга муносабати грамматиканинг тилга муносабати кабидир. Грамматика одамлар нутқини тарбиялагани каби,

мантиқ илми ҳам тафаккурни ҳақиқий йўлдан олиб бориш учун ақлни тўғрилаб туради”,-деб ёзди.

**Топшириқ:** Алломанинг бу фикри ёзма нутқда қандай реаллашади? Фикрларингиз асосида ёзма матн тайёрланг.

### **13-Кейс.**

1. Бири хуқуқ, бири мажбурият.
2. Ҳаё, одоб, инсоф, диёнат булар инсон сийратини безайдиган фазилатлардир.
3. Эл юрт, меҳр шафқат, катта катта, баланд баланд.
4. Конституция Ўзбекистоннинг Асосий қонуни 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган.
5. сапсариқ, қипқизил, ямяшил.
6. Ўзбекистон келажаги буюк давлат.
7. Судэкспертиза, судхуқуқ, юристпедагог, юристмаслаҳатчи.

**Топшириқ:** Дефис ва тире ўхшаш белгилар. Лекин грамматик нұқтаи назардан улар бир-биридан фарқ қиласи. Бу икки белгининг ўзига хусусиятларини қўйидаги мисоллар ёрдамида асосланг. Мисолларда дефис ва тирени тўғри қўйиб чиқинг.

**14-Кейс.** Қонун фақат юристлар ёки хуқуқ соҳасидаги мутахассислар учун қабул қилинмайди, балки у давлатнинг барча фуқаролари учун тегишли бўлади. Шу боис қабул қилинаётган қонунларнинг тузилиши имкон қадар содда, иложи борича ғализликлардан, ноаниқликлардан холи, энг асосийси терминлардан тўғри фойдаланган ҳолда бўлиши лозим.

**Топшириқ:** Ўз мулоҳазаларингиз асосида “Термин – қонун тили лексикаси” мавзусида матн тайёрланг.

**15-Кейс.** Қонун тили лексикаси ўзига хос ранг-баранглиги билан ўзбек тили лугат қатламида салмоқли ўрин тутади. Йиллар давомида шаклланган ва мустақиллик шарофати ила такомиллашиб келаётган қонунчиликда қўлланиладиган лугавий бирликлар, терминлар расмийлик бўёғи билан ажralиб туради. Терминлар умуммуомаладаги сўзлардан фарқланадиган ўзига хос хусусиятларга эга.

**Топшириқ:** Ана шу хусусиятларни юридик терминлар асосида мисоллар билан изоҳланг.

**16-Кейс.** Жамиятнинг ижтимоий ҳаётиги оид тушунчалар, сиёсий, хуқуқий, диний бадиий, фалсафий ва бошқа тушунчаларни ифодаловчи

расмий сўз ва бирикмалар терминологик таркибни ташкил этади. Ана шу лугавий бирликнинг тўла мазмун-моҳияти тезаурусда ўз аксини топади.

1997 йил 29 августдаги қарори (№ 466-1) асосида қабул қилинган “Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш Дастури”да таъкидланишича, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, хуқуқий маданиятни ривожлантириш учун аввало ҳуқуқшунослик соҳаси бўйича сифатли маҳсус адабиётлар, луғатларни тайёрлаш, уларни нашр этишни кўпайтириш даркордир.

**Топшириқ:** Сизнингча, юриспруденцияда пухта шаклланган луғат қандай бўлиши лозим?

**17-Кейс.** Айрим юридик ёзма манбаларда *прокурор* – қораловчи; *адвокат* – оқловчи; *транспотр* – нақлиёт; *институт*, *университет*, *академия* – олийгоҳ; *фахрий* – кайвоний; *алимент* – нафақа, *пенсия* – нафақа, *пенсионер* – нафақаҳўр; *параллел* – мувозий, *судья* – қози, *конференция*, *симпозиум*, *конгресс*, *семинар* – анжуман; *аукцион* – кимошиби савдоси тарзида берилмоқда.

**Топшириқ:** Халқаро, байналмилал, шунингдек, ўзбек тилида муқобили мавжуд бўлган сўз ва бирикмаларни таржима қилиш, ўзгартириш шартми? Мулоҳазаларингиз асосида матн мазмунини кенгайтириб ёзинг.

**18-Кейс.** Кўпчилик *термин* сўзи ўрнига *атама* сўзини қўллади, *терминсўзининг* ўзбек тилидаги таржимаси *атама* деб ўйлади. Бундай ёндашиш хато ҳисобланади. Чунки *атама* сўзи билан *термин* сўзи ўзаро бир-биридан фарқланувчи тушунчалардир.

**Топшириқ:** Сизнингча, *термин* сўзи биланатамасўзи бир хил тушунчами? Ана шу лугавий бирликлар хусусидаги фикрингизни аниқ мисоллар асосида изоҳланг.

## VI. ГЛОССАРИЙ



<b>Термин</b>	<b>Ўзбек тилидаги изоҳи</b>	<b>Инглиз тилидаги изоҳи</b>
<b>Академ ёзув</b>	Соҳа ёзма нутқ мадниятини эгаллаш, тўғри ёзишга интилиш маҳорати, тил мавжудлигининг бир шакли. Академик ёзув қатъий меъёр ва тартибга солинган адабий тилдан фойдаланади	Handwriting as distinguished from print, esp. cursive writing. <b>Academic writing</b> - any writing done to fulfill a requirement of a college or university. Academic writing is also used for publications that are read by teacher and researchers or presented at conferences
<b>Каллиграфия</b>	Ёзма нутқ кўникмаларини тўлик эгаллаш омили бўлиб, хуснихат, чиройли, озода ва аниқ ёзиш санъати деган маънони англатади	<b>Calligraphy</b> - a printmaking process in which materials are applied to a rigid substrate or handwriting, esp. beautiful handwriting considered as an art also called: chirography
<b>Нашр</b>	Муайян матнни белгиланган андоза ва шаклда тиклаш ва фойдаланиш	<b>Printing</b> -a process for reproducing text and images using a master form or template
<b>Парафраза</b>	Предмет, воқеа, ходисаларни ўз номи билан эмас, балки уларнинг ўзига хос белги-хусусиятларини	<b>Paraphrase</b> -a restatement of a text or passage giving the meaning in another form as for clearness; rewording.

	тасвирий усул орқали ифодалаш. Ёки бирон-бир матн шаклини унинг маъносини ўзгартирган ҳолда бошқа сўзлар билан қайта ифодалаш	A rewriting of a text with substantially different wording and organisation but similar ideas
<b>Орфография</b>	“Тўғри ёзиш” маъносини англатиб, ёзма нутқда сўз ва қўшимчаларни тўғри ёзиш ҳақидаги қоидалар йиғиндисидир	<b>Orthography</b> -the conventional spelling system of a language; the study of spelling and how letters combine to represent sounds and form words
<b>Стилистика</b>	Ёзув, хат таёқчаси маъноларини англатиб, тилшуносликнинг тил услугларини тадқик этувчи соҳа	<b>Stylistics</b> - the study of the use of elements of language style, such as metaphor, in particular context
<b>Ёзув</b>	Ёзма шаклда фикр баён этиш, нутқ фаолиятини тури. Кишилик жамияти маданий тараққиётининг бошланиши, башариятнинг узоқ ва мураккаб тадрижий такомили жараёнидаги омилларнинг энг асосийларидан бири	<b>Writing</b> - a group of letters or symbols written or marked on a surface as a means of communicating ideas by making each symbol stand for an idea, concept, or thing , by using each symbol to represent a set of sounds grouped into syllables (syllabic writing), or by regarding each symbol as corresponding roughly or exactly to each of the sounds in the language (alphabetic writing)
<b>Пунктуация</b>	Ёзма нутқда тил қоидаларини ўрганувчи соҳа. Бунда асосан тиниш белгилариниг шаклий қоидалари талқин қилинади	<b>Punctuation</b> - the marks (such as periods and commas) in a piece of writing that make its meaning clear and that separate it into sentences, clauses, etc.

<b>Интонация</b>	Фикр баёнида оҳангни пасайиши ёки кўтарилиши, сўз маъносини кучайтириш	<b>Intonation</b> - the rise and fall in the sound of your voice when you speak
<b>Мазмун</b>	Нарсаларни айнан шу нарса сифатида ифодаловчи муҳим элемент ва ўзгаришларнинг йифиндиси. Шакл эса мазмуннинг мавжудлик усулини, ички тузилишини ифодалайди	<b>Content</b> - the <u>ideas</u> that are <u>contained</u> in a <u>piece</u> of writing, a <u>speech</u> , or a <u>film</u> . by his ability to use the corresponding sets of exercises, tempering and thermal procedures, and other means of APhC
<b>Прицип</b>	Тамойил – муайян бир тенденция бўйича йўналиш бўлиб, унда қандай ишлаш ва натижани тушунтиради	<b>Principle</b> - a law or fact of nature that explains how something works or why something happens
<b>Ихтисос</b>	Муайян соҳага йўналтирилган ёндашув (лойиҳа маъносида). Аниқ тайёргарликни талаб қилувчи, мавжудлик манбай ҳисобланган фаолият	<b>Specification</b> - a detailed description of work to be done or materials to be used in a project; an instruction that says exactly how to do or make something
<b>Термин</b>	Илм-фан, техника, қишлоқ хўжалиги ва санъатга оид тушунчаларнинг аниқ номини билдирувчи бир маъноли сўз ва бирикмалар	<b>Term</b> - a name, expression, or word used for some particular thing, esp in a specialized field of knowledge: a medical term
<b>Тезаурус</b>	Муайян тилдаги барча сўзларни қамраб оладиган, уларнинг матнда қўлланиш ҳолатларини тўла-тўқис акс эттирадиган лугат	<b>Thesaurus-</b> dictionary of synonyms and antonyms, a book containing systematized lists of synonyms and related words
<b>Лугат</b>	Муайян тилдаги сўзлар йифиндиси, сўзлар (ёки морфемалар, сўз бирикмалари, иборалар ва бошқалар) муайян тартибда (алифболи, уяли, мавзули) жойлаштирилган,	<b>Dictionary</b> - a book giving information on particular subjects or on a particular class of words, names, or facts, usually arranged alphabetically: a biographical dictionary; a

	тавсифланувчи бирликлар	dictionary of mathematics
<b>Лексика</b>	Тилдаги барча сўзлар ва иборалар йиғиндиси, тилнинг лугат таркиби. Маълум қонун-қоидага бўйсунувчи изчил ва мураккаб тизим	<b>Lexis</b> (лексика) the vocabulary of a language, as distinct from its grammar; the totalstock of words and idiomatic combinations of them in a language
<b>Графема</b>	Ёзма нутқдаги энг кичик ёзув бирлиги, сўз ёки гапдаги ўрни, услуб ва х. к. кўра турли вариантларда кўлланадиган ёзув бирлиги	<b>Grapheme</b> -one of a set of orthographic symbols (letters or combinations of letters) in a given language that serve to distinguish one word from another and usually correspond to or represent phonemes, e.g. the f in fun, the ph in phantom, and the gh in laugh
<b>Матн</b>	Китобдаги энг асосий қисм бўлиб, ўзида тугал маънони акс эттирган, ўзаро боғлик таркибий қисмлардан иборат аниқ фикр	<b>Text</b> -the main body of matter in a manuscript, book, newspaper, etc., as distinguished from notes, appendixes, headings, illustrations, etc.
<b>Структура</b>	Муайян нарсаларнинг тузилиши, қурилиши; таркибий қисмларнинг ўзаро боғлиқлиги, объектнинг яхлитлиги ва айнан ўзлигини англатадиган, яъни ташқи ва ички ўзгаришларда асосий хусусиятларини сақлаб қоладиган барқарор алоқалари мажмуи	<b>Coherence</b> -agreement or accordance with facts, form, or characteristics previously shown or stated the property of unity in a written text or a segment of spoken discourse that stems from the links among its underlying ideas and from the logical organization and development of its thematic content
<b>Ўзлашган қатлам</b>	Бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш орқали ҳосил бўладиган қатлам. Миллий тилга хорижий тил	The layers of a language - The group of words and word combinations of a

	манбаидан кириб келган ва миллий тилга ўзлашган сўзлар мажмуи	certain language created within its inner potential or derived from other languages. Therefore every language has two layers: original layer and derived layer
<b>Плагиат</b>	Бошқа бир муаллифнинг фикрини тасдиқланмаган холда фойдаланиш	Using another writer's work without acknowledgement in an acceptable manner
<b>Иқтибос</b>	Бошқа бир муаллифнинг фикрини илмий ишда айнан келтириш	Use of the exact words of another writer to illustrate your writing
<b>Умумлаштириш</b>	Ахборотни керакли даражада камайтириш, тушуниши учун қисқартириш	A shorter version of something
<b>Манба</b>	Ўз фикр ва маълумотларни ифодалаш учун кўлланадиган матнлар	The original text you have used to obtain an idea or piece of information

## **VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Усмонов С.Б. Юристнинг нутқ маданияти. –Т.: ТДЮИ, 2006. – 225 б.  
(таянч манба).
2. Назаров К.Н., Усмонов С.Б., Тоҳиров Қ.Ҳ. Юристнинг нутқ маданияти. –Т.: ТДЮИ кичик босмахонаси, 2003. – 215 б.
3. Сайдова А., Кўчимов Ш. Қонунчилик техникаси асослари. Т.: Адолат, 2001.– 271 б.
4. Мирхамидов М., Норпўлатов Н., Хасанов С. Юристнинг нутқ маданияти. Т.: Fan va texnologiya, 2005. – 314 б.
5. Расулов Р., Хусанов Н., Мўйдинов Қ. Нутқ маҳорати. Т.: 2006. – 138 б.
6. Usmonov S.B. Yuristning nutq madaniyati. – T.: Sharq, 2007.–197 б.
7. Бекмирзаев Н. Юрист нутқи маданияти. Т.: Mumtoz soz, 2011.– 155 б.
8. Маҳмудов Н., Нурмонов А., “Она тили”. Т.: Ўқитувчи, 2012.
9. Умурзоқов Б.У. Ҳозирги ўзбек тили. – Термез давлат университети, 2012.
10. Тил ва маънавият. Республика илмий-методик конференция материаллари. Т.: RELEABLEPRINT, 2013. – 268 б.
11. Бахридинова Б. Тиниш белгилари – ёзма нутқ моҳиятини англаш воситаси. Т.: Маърифат. 2014. 3-б.
12. Бахридинова Б. Ўзбек тилининг пунктуация қоидалари. Т.: Тил ва адабиёт таълими. 2015. 1-сон, 23-25- б.
13. Steve Taylore – Knowles. Reading and Writing. Malcolm Mann, 2011.– 278 б.
14. Stephen Bailey. “Academic Writing: A Handbook for International Students” Fourth Edition. 2015. – 284 б.

### **Интернет таълим ресурслари:**

1. [www.google.uz](http://www.google.uz)
2. <http://www.gov.uz>
3. <http://www.UZA.uz>
4. <http://www.lex.uz>
5. <http://www.press service.uz>
6. <http://www.ut.uz>
7. <http://www.ziyonet.uz>